

Китоб туманига янги автобуслар олиб келинди

Бугунги кунда Президентимизнинг жорий йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларини бажариш жойларда юксак мақсадга айланган. Зеро, ушбу қарор замирида автотранспорт соҳасини изчил ривожлантириш Давлат дастури ётибди. Айти кунда ушбу қарор бўйича Қашқадарё вилоятида муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Қашқадарё вилояти, Китоб туманида фаолият кўрсатаётган “Маърифат Рустам” масъулияти чекланган жамияти “O’zavtosanoat-Leasing” МЧЖ лизинг компаниясидан 5 йил муддатга 824 млн. 500 минг сўм лизинг олиб, 2017 йил июль ойида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 16 та ўриндикли 5 дона янги “Исузу” русумли автобусларни харид қилди.

Корхона янги автобусларга йўловчи ташиш фаолияти кўрсатиш учун лицензия варақалари олди. Автобусларни “Китоб-Маллабоши”, “Китоб-Аёкли”, “Китоб-Бодомзор”, “Китоб-Навбахор” йўналишларида бириктириб, аҳолига сифатли автотранспорт хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхона сотиб олинган 5 дона автобусларга малакали ҳайдовчиларни ишга қабул қилди. Ушбу автотранспортлар олиб келиниши билан корхонада яна қўшимча 5 та ишчи ўрни ташкил этилди.

Маълумот ўрнида, корхона 2005 йилдан буён автотранспортларда юк ва йўловчи ташиш фаолиятини кўрсатиб келмоқда. Шу вақт мобайнида корхона ўз балансига жами 16 та транспорт воситаси олган бўлиб, улардан 10 донаси автобус ва 4 донаси юк ташишга мўлжалланган автотранспортлардир. Шунингдек, ушбу автотранспортлар “Улуғбек Агромаш сервис ММТП”нинг автотураргоҳида ижара шартномаси асосида туради. Бу жойда автотранспортлар учун барча шарт шароитлар мавжуд бўлиб, ишга чиқишдан олдин автотранспортлар техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўрикдан ўтадилар.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати